

АБДУҚАЮМ ПАРДАЕВ

ДАВЛАТ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ



АБДУҚАЮМ ПАРДАЕВ

**ДАВЛАТ
ВА
ДАВЛАТЧИЛИК
ҒОЯСИ**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академияси “Фан” нашриёти

2007

TDIU
kutubxonasi
h/v 438308

92 (сз к)
П-2

Мазкур илмий-фалсафий монография “Фан” нашриётида 2006 йилда chop этилган “Адолатли бошқарув тамойиллари” асарининг тўлдирилган нашри бўлиб, давлат ва давлатчилик ҳақида, марказлашган давлатчилик гоаясининг диний ва дунёвий негизларини, жамиятдаги ижтимоий табақаларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, адолатли бошқариш тамойилларини ўрганишида алоҳида аҳамиятга эга.

Асар тарихий манбалар асосида илмий, ҳаққоний, самимий тарзда ёзилганлиги боис ўқувчи-талабалар, магистрлар, аспирантлар, ўқитувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

САИД ШЕРМУҲАММЕДОВ,

Ўз.ФА академиги,

Давлат мукофоти совриндори,

МУҲАММАД АЛИ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,

Давлат мукофоти совриндори

ИЛМИЙ МУҲАРРИРЛАР:

ИБОДУЛЛА ЭРГАШЕВ,

сиёсий фанлар доктори, профессор

НАРЗУЛЛА ЖЎРАЕВ,

сиёсий фанлар доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

МАҲКАМ МАҲМУДОВ,

НОРМУМИН ОЧИЛОВ

ISBN 978-9943-09-459-8

© А.Пардаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти 2007 й.

ДАВЛАТНИ БИЛИШ МУҚАДДАСЛИГИ

Ушбу илмий асарнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда “Авесто”да ифодаланган мураккаб ахлоқий, маънавий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий, тарихий, этнографик ғоялар, қонун-қоидалар бир неча асрларгача жамиятни адолатли бошқаришда, фуқароларнинг сиёсий, ахлоқий, маънавий мусаффолигини тарбиялаш ва таъминлашда дастурул-амал бўлиб келгани ҳақида айтилади.

Монографияда акс этган тарихий воқеаларнинг сиёсий, фалсафий таҳлили қуйидаги мисолларда яққол кўзга ташланади. Эрон-Юнон урушлари давомида, Грек-Македония босқинидан кейин, милоднинг 1 асрида Парфия давлати ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудларидаги энг кучли иқтисодий-ҳарбий қудратга эга бўлиб, ўша замонда бу давлат Рим империясининг шарқдаги истилочилик ҳаракатларини тўхтатиб қолишга кучи етган ягона давлат қурилиши эди. Кучли халқаро сиёсий мавқега эришган Парфия маданий тараққиёт даражаси юксалган, у бир жиҳатдан қадимги Хоразм, Ҳиндистон, Эрон, Грек-Бақтрияда ёрқин кўринган Элладапарастлик-эллинизм маданиятларнинг вориси эди. Парфияда буддавийлик билан бирга ёки олдинма-кейин зардуштийлик ва элладапарастлик-эллинизм мафкуралари ўзаро алоқага киришиб, синтез қилингани қадимги археологик ёдгорликлар орасида Будда ибодатхоналари, зардуштийлик оташкадалари, Зевс ва Ника ҳайкаллари, юнон услубидаги ҳайкалчалари мавжудлигидан билиниб туради.

Ўрта Осиёда энг қадимги даврларда давлатчилик шакли турли қабила иттифоқларидан иборатлигини муаллиф илмий исботлаш учун “Авесто” ёдгорлигида, бу ёдгорликнинг энг қадимги қисми бўлган “Меҳр-яшт”да Айрошайана ёки Арйанам-Вайжо деб аталган давлатни, шунингдек, Хоразмдаги Оқча дарё-Оқша (Вахш, Аму) дарёсининг икки соҳилида яшаган Даҳйа қабилалар

иттифоқини, яна Дану (Сирдарё) бўйидаги турлар, данҳу за қорапонлар (корибантлар)дан иборат кучли қабибалар иттифоқини тилга олади.

Мазкур китобда илк тарихий манбаларда давлат ҳақидаги сиёсий ва фалсафий қарашларнинг шаклланиши, қонунлар моҳияти ҳамда аҳамияти, давлат бошқаруви тамойиллари, давлат вазифадорларининг бурчлари, давлатни бошқаришнинг диний ва дунёвий асослари, давлат ва марказлашган давлатчиликда комил инсон ғояси кенг таҳлил этилган. Маълум объектив сабабларга кўра, давлатчилигимиз тарихи кенг ўрганилмаган. Холбуки, бунга кўпроқ эҳтиёж сезилади. Ана шу мавзуга бағишланган хоҳ илмий, хоҳ адабий асар бўлсин унинг пайдо бўлишини қўллаб-қувватлаш лозим. Ана шу маънода Абдуқаюм Пардаевнинг “Давлат ва давлатчилик ғояси” монографияси диққатга сазавордир.

Китобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда давлатга қарашда диний ва фалсафий ёндошув кўринишлари, давлатчилик ғоясида дунёвий тамойиллар негизлари, марказлашган давлат қуриш ғоясининг шаклланиши, шарт-шароитлари ва тамойиллари, марказлашган давлат ғояси ва жамиятдаги ижтимоий табақаларнинг ўзаро муносабатлари, марказлашган давлатни бошқаришда буюк шахсларнинг ўрни каби масалалар ўз ечимини топган.

Муаллифнинг тарихий манбалар сифатида “Авесто”, Геродот, Фирдавсий, Беруний, Афлотун, Арасту, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур ва теурийлар даврига оид ҳамда Алишер Навоий асарларини жиддий ўрганганлиги, давлат ва давлатчилик ҳақидаги илмий хулосалари нафақат сиёсатшунос, фалсафа олимларини, қолаверса, тилшунос, тарихчи олимларимизда ва адабларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотиш мумкин.

Уйлаймизки, асар тарихий манбалар асосида илмий, ҳаққоний ва самимий тарзда ёзилганлиги билан соҳа бўйича мустақиллик йилларида яратилган энг қимматли монографиялардан бири бўлиб ҳисобланади.

МУҲАММАД АЛИ

ИЛК ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ДАВЛАТ ҲАҚИДАГИ СИЁСИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. «АВЕСТО», ГЕРОДОТ, ФИРДАВСИЙ

Қадимги Миср, Ҳиндистон, Бобил, Хитой, Эрон, Юнонистон мутафаккирлари давлатни ва жамиятни адолатли бошқарув тамойиллари ҳақида муҳим ва қимматли фикр-мулоҳазаларини айтиб кетганлар. Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» китобининг олтинчи бобида ҳиндларнинг «Вишну-пурона» китобидан адолатли, савоб ишлар учун инсонлар мукофотланиши, адолатсиз, ноҳақ, тубан ишлари учун жазоланиши ҳақидаги қизиқарли маълумотларни келтиради: «Олам дастлаб юқори, қуйи ва ўрта оламларга бўлинади. Юқори олам - Суварлока дейилиб, бу жаннатдир. Қуйи олам Нағалока (ёки Нара-лока) дейилади, яъни илонлар йиғиладиган жой, бу дўзахдир. Баъзан Потала, яъни ернинг энг қуйиси деб аталади»¹.

Илм-фанларнинг энг янги маълумотларига кўра ҳам Эрон тилли қабилалар иттифоқи ўртасида жуда катта ҳудудларга (Эрон ва Туронга) ҳукмронлик учун узоқ йиллар, ҳатто асрлар давомида ўзаро сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар бўлиб турган.

Бу тарихий давр воқеалари Беруний ва ғазнавий ҳукмдор Султон Маҳмуд даврида яшаган атоқли мутафаккир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида кенг кўламда тасвирланган. «Шоҳнома»да Турон халқларининг етакчиси Афросиёб (Алп Эртунга) билан Эрон шаҳаншоҳи Кайковус ва унинг ўғли Сиёвуш ўртасидаги сиёсий ва жанговор тўқнашувлар ҳикоя қилинади². Бизнингча бу даврда Эрон давлати ва унга кирувчи қабилалар зардуштийлик эътиқодини қабул қилганига кўп вақтлар бўлган.

¹ Беруний. «Ҳиндистон». Т.: «Фан», 1995, саҳ. 61

² Фирдавсий. «Шоҳнома». Адабиёт ва санъат нашриёти. саҳ. 19.

Фирдавсий «Шоҳнома»сидан аввалроқ олим ва шоир Дақиқий ёзган «Шоҳнома»да Афросиёб ва Кайковусдан олдинги подшоҳлар: Турон ҳукмдори Аржасп билан Эрон шаҳаншоҳи Гиштасп ҳукмронлиги ҳақида фикр юритилади. Дақиқий «Шоҳнома»си тугалланмай қолган, мутафаккир қайсидир «гуноҳи» учун (Султон Маҳмуддан аввалги, сомонийлар даврида) ўлимга ҳукм қилинган.

Дақиқий «Шоҳнома»сида ёзишича, Эрон шоҳаншоҳи Гиштаспга устоз, пир бўлиб турган кекса Зардушт Турон подшоҳи Аржаспга бож-ҳирож тўламаслик керак деб маслаҳат беради. Дақиқий асарида Зардушт Турон халқлари етакчисини Чин ҳоқони деб, Эрон шоҳларини каёнийлар деб атайдиг³.

Милоддан аввалги минг йилликда Чин ҳоқонлиги (бу давлатларни Турон ёки Турк ҳоқонлиги ҳам дейдилар)да ҳам, Эронзаминда ҳам кучли давлат тузумлари бор эди. Юнон тарихчиси Ксенофаннинг «Киропедия» («Подшоҳ Куруш, Курёвус тарбияси») асарида милоддан аввалги VI асрда Эрон давлати ҳудудлари Грецияга қадар кенгайтирилганлигини, Хоразм ўша даврда (яъни бундан 2600 йил аввал) ҳам мустақил давлат, хоразмийларнинг эронийларга иттифоқчи қўшинлари умумий душман - Юнонистон босқинига қарши биргаликда курашганлигини билиш мумкин.

Тарихчиларнинг аниқлашича, Зардуштдан аввал ҳам «Авесто» ёдгорлиги бўлган. «Авесто»нинг ана шу қадимий қисмида давлат сиёсати, бошқарув тамойиллари қадимги Ҳиндистон ва Юнонистондаги каби кўпхудолик, мушриклик диний эътиқоди коҳинлари, мобедлари ёрдамида амалга оширилган.

Юнонистонда Зевс - Қуёш маъбуди, Гера - Ер, никоҳ, оила маъбудаси, Аполлон - санъат маъбуди, Афина - илм-фан маъбуди, Посейдон - денгиз, уммонлар маъбуди, Гад, Аид - Илонлар подшоҳи - Ер ости салтанати - марҳумлар оламининг маъбуди бўлганидек, Зардуштгача бўлган «Авесто» яштларида қуйидаги маъбудлар тилга олинади:

³ Дақиқий. Шоҳнома. Қаранг: Фирдавсий. Из Шахнаме. Сталинабад. 1994 г. стр.28.

Паренди - ижтимоий барқарорлик, осойишталик, фаровонлик маъбудиди. Вайу-шамол, бўронлар, тўфонлар, ўлим маъбудиди. Бушйаста - дангасалик, ялқовликни одамларнинг руҳига киритувчи дев-иблис. Маршаван дев - тарихий хотирани йўқотишга хизмат қилувчи иблис.

Қадимги жамиятларда англиялик этнограф олим Ж.Фрезер «Олтин япроқ» ва «Библияда фольклор ривоятлари» китобларида ёзганидек, диний эътиқод, диний тасаввурлар давлат қонунлари ўрнини босган⁴. Гуноҳ ва савоб, яхшилик ва ёмонлик, фазилатлар ва иллатларни аниқлашда ана шу диний эътиқод, тасаввурлар, ҳозирги тил билан айтсак, шариат қонунлари жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Зардуштийлик ҳам бундан мустасно эмас. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да эзгулик, яхшилик маъбудиди Ормузд (Хурмузд) одамларга ноз-неъматлар берувчи, уларни гуноҳ ишлардан қайтарувчи, уларга мусаффо яшаш қонунларини ўргатувчи Олий Тангри деб тасаввур қилинади, зардуштийлар унга сиғиниб ибодат қиладилар. Хурмузд одамларга яхшилик қилишда ўз ёрдамчилари, фаришталарига, Амеша Спанта деб аталган муқаддас руҳларнинг хизматидан фойдаланади. Бу фаришталар, муқаддас руҳлар олтига бўлиб, олий Тангри - Хурмузд билан еттиликни ташкил этади. «Авесто»га кўра муқаддас руҳлар: 1. Воҳу Ману - Эзгу фикр, эзгуният. 2. Оша Воҳишта олий ҳақиқат. 3. Спента - диёнат, эътиқод, виждон. 4. Хишатра-варйа - адолатли ҳукм. 5. Харватит - бирлик, аҳиллик. 6. Амератат - мангулик.

Ўрта Осиёда энг қадимги даврларда давлатчилик шакли турли қабила иттифоқларидан иборат деб ўйловчи тарихчилар ўз фикрларини исботлаш учун «Авесто» ёдгорлигида, бу ёдгорликнинг энг қадимги қисми бўлган «Меҳр-яшт»да Айрошайана ёки Арийанам-Вайжо деб аталган давлатни, шунингдек, Хоразмдаги Оқча дарё - Охша (Вахш, Аму) дарёсининг икки соҳилида яшаган Дахйа қабилалар иттифоқини, яна Дану

⁴ Ж. Фрезер. Золотая вечвь. М.: изд. "Мысль", фольклор в Ветхам Завете. М.: изд."Мысль"

(Сирдарё) бўйидаги турлар, данху ва қорапонлар (корибантлар)дан иборат кучли қабилалар иттифоқини тилга оладилар. Беруний «Осорул-боқия»да зардуштийлик ҳақида ёзади. Атоқли тарихчи ва этнограф олим С.П.Толстов «Қадимги Хоразм маданиятини (цивилизациясини) излаб» китобида Калта-минор маданиятини яратган туб хоразмлик аҳоли, шимолий-шарқий Афғонистон ва жанубий Туркменистон ҳудудларидан кўчиб келган хуррийлар, Шимоли-шарқий Каспий бўйларида яшаган фракия-киммерий қабилалари, жанубий Сибирдан Хоразм шимолига келиб қолган искиф қабилалари милoddан аввалги минг йилликнинг сўнггида яхлит этник аралашув жараёнини бошидан кечирган деб ҳисоблайди⁵.

«Авесто»да тилга олинган тур қабилалари иттифоқи ва Шарқий Эронда зардуштийликни қабул қилган оловли суяқлик – магмали жисмлар бўлиб, буни вулқонлар отилган вақтида аниқ кўриш мумкин. Бу табиат ҳодисаси қадимги донишмандларнинг таҳминлари, фаразлари тўғри эканлигини тасдиқлайди. Беруний юқоридаги фикрини давом эттириб, ёзади: «Аммо (ҳиндлар тасаввурича) биз турган ўрта оламни Манушиа-лока, яъни, инсонларнинг йиғилган жойи деб аталади. Бу ўрта олам бирон нарсага эришиш учун (масалан, билим, илм-маърифатга - А.П.) ва қуйи олам (инсонларга ёмон, гуноҳ ишлари учун) азоб бериш учун хосдир. Савоб ёки азобга лойиқ бўлган киши қилган амалининг муддатига кўра, ўша амалга яраша юқори ёки қуйи оламда мукофот ёки жазо олади. У икки олам ҳар бирида (аниқроғи қай бирида) бўлиш бадандан ажратилган руҳга хосдир».

Бу ерда аллома Беруний инсон ўз умрида қилган яхши, ёмон ишлари учун келгусида нима учун жисми эмас, руҳи жазоланиши ҳақида гапирмаган. Бу ҳақда Берунийдан сал кейин яшаган шарқ мутафаккири Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида жуда яхши тушунтирган. Ғаззолий ёзишича, инсон баданига оғриқ етиши ҳам азобли, лекин руҳга оғриқ етишига чидаш мушкулроқдир. Баданга ҳам, руҳга ҳам адолатли ишлар қувонч бағишлайди. Адолатсиз,

⁵ С.П. Толстов – «Қадимги Хоразм маданиятини излаб». Т. «Фан», 1964. саҳ.94

ноҳақ ишлар, ёвузлик, жабр-зулм айниқса, инсон руҳига қаттиқ азоб беради⁶.

Шу маънода Беруний қадимги ҳинд ҳикматлари жамланган «Вишну пурона» («Вишну Кришна ўғитлари») асарида жазога лойиқ, адолатсиз, ноҳақ хатти-ҳаракатларнинг қуйидаги турлари ёзилганини айтади:

«Ёлгон даъво (туҳмат, бўҳтон) қилувчи, ёлгон гувоҳлик берувчи, буларнинг икковига ёрдамлашувчи, (яхши) одамларни масхара қилувчилар Раурава номли дўзахга борадилар.

Ноҳақ қон тўккан, одамларнинг ҳақларини зўрлик билан олган, уларни талон-тарож қилган ва қорамолни ўлдирганлар Радҳа исмли дўзахга борадилар. Бировларга гина (кек сақловчи) ва душманлик қилувчи ҳам Радҳага боради.

Браҳманни ўлдирган (бу, Худони тан олмаган маъносида - А.П.), олтин ўғирлаган ёки шу ўғриларга ҳамкор бўлган, фуқароларига қарамайдиган (уларни ҳимоя қилмайдиган) амирлар, устозининг оиласини зино қилувчи, қайнсинглиси билан ётувчилар дўзахлардан Таптакумбҳа дейилганига борадилар. (Бойлик ҳосил қилиш тамаъида) хотинининг бузуқлигидан кўз юмувчи, ўз қизини ва ўз ўғлининг хотини билан зино қилувчи ёки боласини сотувчи ёки молини (оиласи, муҳтожларга) сарфлашга кўзи қиймай баҳиллик қилган киши - Маҳожволага, устозига гап қайтарувчи, одамларга ҳақорат назари билан қаровчи, тўртоёқли ҳайвонлар билан жинсий алоқада бўлувчи, «Веда» ва «Пурона»ларни ҳақорат қилувчи ёки уларни бозорларда сотиб фойдаланувчилар Шавала (номли дузахга)га борадилар.

Ўғри, товламачи ... ўз отасини ёмон кўрувчи, Тангрини ва инсонларни дўст тутмайдиган, тангри азиз қилган қимматбаҳо тошларни (бу ерда - илм, маърифатни дейишмоқчи - А.П.) ҳурмат қилмайдиган одамлар Кримишага борадилар.

Ота-боболарининг ҳуқуқларини улуғламайдиган, фаришталарни керагича ҳурмат қилмайдиган, ўқлар ва найзалар (қилич ва пичоқ) ишлаб чиқарадиганлар Лоло-Бҳакшага борадилар.

⁶ Муҳаммад Ғаззолий. «Кимиёи саодат». Т.: Камалак, 1995 й. саҳ. 69

... Дарахтларни кесувчи Асипатраванага боради. Овчи қопқон ва тузоқлар ишловчи Ваҳкижволага боради. Урф-одатларга эътибор қилмовчи, шариат қонунларини бекор қилувчи гуноҳкорларнинг энг ёмони бўлиб, Сандамшакага боради».

«Авесто»нинг «Яштлар» қисмида «Хварно мадҳияси»да бундай дейилади: «Еттита ҳамкор ҳукмдор. Фикр ва сўз эгалари. Ҳаммасининг ташвиши бир. Уларнинг ҳаммаси бир уруфдан. Охура-мазда исмли битта яратувчи сарбондан».

Булар: Митра, Ардвисура Анахита, Рашну, Сраоша, Оша, Ровман, Урван. Булар орасида энг қадимийси ва энг кўп эъзозланувчи Митра-Меҳр-Қуёшдир. Зардушт дунёга келмасдан аввал оташпарастлар фақат Митрага, Қуёшга сажда қилганлар, Митрани ўз нурлари, ҳарорати билан Ерда ҳаётни пайдо қилувчи, яратувчи деб, унга талпинганлар. Сраоша-Митра, Меҳрнинг ўнг тарафдаги ёрдамчиси. У, одамларни Тангри Хурмуздга ва Митрага сажда қилишга чақиради, итоатсизларни даҳшатли гурзиси билан жазолайди.

Рашну-Митранинг сўл, чап томондаги ёрдамчиси. У, қиёматда одамларнинг руҳларини сўроқ қилиб, ҳаётлик пайтларида эзгу фикр (эзгу ният), эзгу сўз, эзгу амал бирлигига риоя қилган ёки қилмаганлигини аниқлаб, жазо белгилайди.

Ардвисура Анахита - Ахура-Мазданинг энг севикли қизи, ҳосилдорлик фариштаси. Митра, Қуёш бу маъбуданинг севгилиси ҳисобланади. Бу тасаввурнинг фалсафий моҳияти ҳақиқатга яқин, чунки қуёш нури бўлмаса, ҳосилдорлик бўлмайди.

Агар «Авесто» ривоятлари замирига назар солсак, уларда Эрон ва Турон давлатлари ўртасидаги сиёсий ва маънавий зиддиятлар, қарама-қаршиликлар диний тасаввурларда ҳам аксини тошганлигини кўрамиз. Бу сиёсий, мафкуравий қарама-қаршиликлар буюк мутафаккир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам ифодаланган. Турон подшоҳи Аржасп Эронга қарши уруш бошлашда туркий халқлар жуда қадим замонлардан сизиниб келган Кўк Тангри, Осмон тангрисини рад этиб, Зардушт келтирган «сохта» динга ўтишда Эрон шоҳи Гуштаспни ва унинг вазирларини айбдор деб билади. Бу даъводан

газабланган Эрон ҳукмдори, унинг руҳоний пири - Зардушт ўз мафқурасининг ҳақлигини исботлаш мақсадида Турон ҳукмдорларини ёвуз Аҳримонга сиғинувчи деб айблайдилар.

«Авесто»да ёзилишича, Афросиёбнинг ўғли ёки невараси бўлган Аржасп ёвузлик тангриси Аҳримон шарафига юз туя, минг йилқи, ўн минг қўй-қўзини қурбонликка сўйиб, Зардуштни жазолаш учун ёрдам сўрайди. Турон ҳукмдори Аржасп энг кучли лашкарбоши Братар Вахшни Баҳди (Бахтар-зами-н)га, Зардуштни йўқотишга юборди.

Зардушт подшоҳ Гуштасп давлатида коҳинлар бошлиғи (мубадон-мубад) бўлиб, Марказий Оташқада (ибодатхона)да Митра нуридан олов ёқадиغان пайтида Братар Вахш уни пи-чоқлаб ўлдиради.

Аржасп бу билан кифояланмай, яна юз туя, минг йилқи, ўн минг қўй-қўзи қурбонлик қилиб, «Зардушт ўлди, лекин унинг дини тирик» деб Зардуштнинг уруғ-авлодини йўқотишни Кўк Тангридан илтижо қилади. Қадимиятнинг икки буюк дав-лати (Турон ва Эрон) сиёсий гегемонлик талашуви, зардуш-тийлик эътиқодининг илк вақтларда катта қаршиликка учра-ганлигини сезиш мумкин.

Кейинроқ милоддан аввалги тўртинчи асрда Юнон-Маке-дония лашкарбошиси Искандар (Александр) Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб келганида Шарқ халқлари ўртасида эл-линизм мафқурасини жорий қилиш мақсадида маҳаллий жа-мият ҳаётидан зардуштийликни ҳайдаб чиқариш учун «Аве-сто» муқаддас китобларининг кўпчилик қисмларини гулханга ташлаб, ёндириб юборди. Беруний «Қадимги халқлардан қол-ган ёдгорликлар» («Осорул-боқия») асарида Македониялик Искандар «Авесто»нинг мол терисига ёзилган битикларини ёндириб юборганлигини айтади.

Искандар Баҳди (Бахтар, Бахтрия) шаҳрининг марказий майдонида улкан гулхан ёқдириб, «Авесто» китобларини ёнди-ришга чоғланган вақтида унинг қўшинидаги ёш лашкарбоши-лардан бири Аристовул (бу йигит Искандарнинг устози Ара-стунинг жияни эди) бундай дейди:

Юнонлардан фақат битта одамгина бу сирли китобни ўқий олади. У ҳам бўлса, сизнинг устозингиз ва менинг тоғам буюк Арастудир. Мана, Сиз дунёнинг ярмини қилгичингиз қудрати билан қўлга киритдингиз. Неча минглаб одамларнинг қони тўкилди, қанчадан-қанча шаҳарлар ва қишлоқлар ўт ичида қолди. Биргина Спитаментга ёрдам бергани учун икки минг сўғд ўғиллари ўлдириб юборилди... Аммо, маҳаллий халқ уларнинг муқаддас китобини гулханда ёқиб юборганингизни ҳеч қачон кечирмасе керак. Чунки, бу китобда бутун юнон халқи билмаган қанчадан-қанча сир-синаотлар бўлиши мумкин. Бундай жоҳилликни устозингиз кечира оладими? Ҳалиям бўлса бу китобларни узоқ Афинага, устоз Арастуга юборинг. Юнон маданиятини, фалсафа ва фанини юксалтиришга хизмат қиладиган, биз учун сирли билимларни билиб олсин, юнон тилида баён қилсин⁷.

Ўзбек авестошуноси Тоҳир Карим бу сатрларни ёзилганда юнон тарихчиси Плутарх ва хоразмлик аллома Беруний ёзган маълумотларга суянган. Чиндан ҳам «Авесто» китобида қадимги Ҳиндистон халқларининг «Бхагавад-гита», «Вишну-Пурона», «Патанжалли», «Санқхья» китобларидаги каби олам-олам ҳаёт сирлари яширинган. «Авесто»да ифодаланган мураккаб ахлоқий, маънавий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий, тарихий, этнографик ғоялар, қонун-қоидалар бир неча асрларгача жамиятни адолатли бошқаришда, фуқароларнинг сиёсий, ахлоқий, маънавий мусоффолигини тарбиялаш ва таъминлашда дастурул-амал бўлиб келган.

Эрон-Юнон урушлари давомида, Грек-Македония босқинидан кейин, милонинг I асрида Парфия давлати ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудларидаги энг кучли иқтисодий- ҳарбий қудратга эга

Сосонийлар даврида, Ардашер Бобакон (226-242) ва унинг ўғли Шопур (242-272) ҳукмронлиги даврида зардуштийликка нисбатан либералроқ, бағри кенгроқ бўлган, гўзалликни, санъатни севишга асосланган монийлик диний эътиқодининг кенг тарқалишига зардуштийлик мафкураси қаттиқ қаршилик кўрсатди. Шу сабабли янги таълимот асосчиси Моний куфрда айбланиб, Шопур ҳукмронлиги вақтида ваҳшиёна қатл этил-

⁷ Тоҳир Карим. Муқаддас «Авесто» изидан. Т. «Чулпон», 2000 йил, саҳ.38.

ган. Сосоний ҳукмдорлари жамиятни бошқаришда янги монавийлик (монийлик) таълимотига нисбатан зардуштийлик анъанавий таълимот бўлиб қолгани учун яна «Авесто»нинг йўқолган қисмларини излаб топиб, кичикроқ ҳажмда қайта тиклади ва бу асар «Зинд-Авесто («Изоҳли Авесто»)» деб аталди.

Қадимги юнонлар эътиқодида қуёшпарастлик кўп замонларда Орфей таълимоти. Орфей ёзган ибодат, мадҳу сано, маросим қўшиқлари шаклида ижро этилар эди. Ҳомердан аввалги замонларда яшаган авлиё, мўъжизакор шоир Орфейни ва у ёзган муқаддас битиклар, маъбудларга мадҳу саноларни куйлаб, яширин, сеҳр-жодули маросимлар ўтказиш урф-одат бўлган. Бу вақтда ҳали Зевс ва бошқа маъбудларга сажда қилиш айрим юнон қавмлари орасидагина мавжуд эди.

Орфей билан деярли бир замонда яшаган авлиё шоир Мусейни ҳам пайғамбар даражасида эъвозлар эдилар. Мусейни қадимгилар гоҳ Орфейнинг устози, гоҳ шогирди деб билганлар, бу масала ҳалигача узил-кесил ҳал этилмаган. Лекин Орфейнинг баъзи қасидалари Мусейга насихат тарзида ёзилганига эътибор берсак, масала бирмунча ойдинлашади.

Орфей бир қасидасида Мусейга дўстим, бу айтганларим сенга фойдали ва сенга бахт-иқбол келтиради, деб мурожаат қилади. Шу қасидада Орфей ўша замонларга хос илоҳий оламшумул бошқарув қонун-қоидаларини илҳом билан куйлаб айтади:

«Тингла, Мусей, ибодат чоғида бизга буюк куч-қудрат ато этувчи муқаддас зотларни ёд этайлик. Уларни зикр этиш ўзгалардан кўра сенга лойиқдир. Зикр этайлик Зевсни ва Заминни, покиза олов Қуёшни, Ойни, сон-саноксиз юлдуз туркумларининг нур сочишини! Қорасочли Ер посбони Посейдонни! Персефонани. О, Деметра, муқаддас аёл, ҳосилга бой қучоғинг сенинг. Табаррук тангрилар азиз билган Дионис етакчиси байрам Давларгасиш. Жанг маъбуди қудратли Арес, ва эй Гевесд қудрат эгаси.. Зикр этайлик Адолатни, Ҳалол», Покликни, у биз учун энг буюк таянч. Яшноқ Гера, олий тангри Зевснинг завжаси! Мнемозина санъат малаги ва табаррук тўққиз Музани. Яшноқ ёзни. Чорлагайман қуролбардор куретларни, кабирларни, корибантларни. Зевс фарзандлари, дилбандлари бўлиш Ҳалос-

Навоийни мансаб ва шахсий шон-шавкат эмас, балки эл-юрт осойишталиги, фаровонлиги, равнақи учун меҳнат қилиш қизиқтирар эди. У мамлакатни, салтанатни ожиз, халқини хонавайрон қилиб, парчалаб ташловчи ўзаро ички тахт талашшиш урушларининг олдини олишга, уруш олови чиққан ҳолда уни ўчиришга ҳам бор кучини аямади. Унинг илм-фан ва маданият аҳлига нисбатан ҳомийлик, раҳбарлик қилишлари, моддий-маънавий кўмаклари билан давлатни, марказлашган давлатни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун қилган саъй-ҳаракатлари бир-бирига уйғун эди. Алишер Навоийнинг марказлашган давлатни (темурийлар давлатини) кучайтириш, адолат ўрнатиш ва халқига хизмат қилиш борасидаги амалий ҳаракатларни атоқли тарихчимиз, адабиётшуносимиз Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Шоирлар бўстони" асаридан олинган парча билан баҳолаб, яқунлашни лозим топдик: "...Шу кунларда бу улўф амир дину давлат ҳомийси, шариат ва миллат пушти паноҳидир. Замон подшоси (Султон Ҳусайн Мирзо) унинг фойдали насиҳатларидан баҳра олмоқда. Унинг қимматли мажлислари фозиллар тилаги, олий даргоҳи фуқаронинг мурожаатгоҳи...Эшиги муҳтожларга ҳамма вақт очиқдир..."

Унинг савобга ишорат этувчи фикри ортиқча молу мулкни хайр-эҳсон ҳамда ҳайрли ишларга сарфлашни тақозо қилди...холис мулкени ва ҳалол бойлигини худо йўлига сарфлаб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли жойлар ва дорушшифо қуришга харжлади...

Агар улўф амир қилган хайрли ишларни бирма-бир ҳисобланадиган бўлса, қисса чўзилиб кетади..."²⁸

Навоий бутун умри давомида илмга чин дилдан боғланганлиги учун подшоҳни ҳам ҳақ йўлга бошлай олди. Катта бир давлат бошқаруви унинг халқпарварлиги туфайли ўз замонасида бунёдкорлик ва тинчлик сиёсатига амал қилди.

²⁸ Давлатшоҳ Самарқандий, "Шоирлар бўстони" "Тазкират уш-шуаро, Тошкент, 1981 йил, саҳ.189-193.

МУНДАРИЖА

Давлатни билиш муқаддаслиги.....	3
Илк тарихий манбаларда давлат ҳақидаги сиёсий ва фалсафий қарашлар. «Авесто», Геродот, Фирдавсий.....	5
Берунийнинг давлат ҳақидаги фалсафий қарашлари.....	31
Афлотун ва Арасту асарларида давлат ҳақидаги сиёсий фалсафий қарашларнинг шаклланиши. Қонунлар моҳияти ва аҳамияти.....	54
Абу Наср Форобий ва Юсуф Хос Ҳожиб.....	75
Адолатли давлат ҳақида.....	97
Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (“Сиярул-мулк”) асарида давлат бошқаруви тамойиллари. Давлат мансабдорларининг вазифалари ва бурчлари ҳақида.....	106
Давлатни бошқаришнинг диний ва дунёвий асослари.....	118
Ҳудудни бошқаришда муқаттеъларнинг вазифалари.....	125
Давлат ва марказлашган давлатчиликда комил инсон ғоясининг диний ва дунёвий аҳамияти.....	144
Давлатга қарашда диний, фалсафий ёндошув кўринишлари.....	161
Давлатчилик ғоясида дунёвий тамойиллар негизлари.....	182
Тариқатда дунёвий давлатчилик ғояси.....	216
Марказлашган давлат қуриш ғоясининг шаклланиши шарт - шароитлари ва тамойиллари.....	250
Марказлашган давлат ғояси ва жамиятдаги ижтимоий табақаларнинг ўзаро муносабатлари.....	272
Марказлашган давлатни бошқариш ғояси ва тамойиллари.....	308
Алишер Навоийнинг марказлашган давлатни бошқаришдаги ўрни ва роли.....	